

25-aprel
2024-yil 17 (1067)



O'ZLIDEP



IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA

XXI asr

GAZETA 2004-YIL 1-YANVARDAN CHOP ETILA BOSHLAGAN

© 21asr.uz © XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlar_i_news



ДЎСТ ҒАМИГА ҚАД ЭГИБ, ДАРДМАНД БЎЛАМИЗ, ДЎСТИМ!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ИККИ КУНЛИК ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДИҚҚАТИНИ ТОРТДИ.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА БАЛАНС БУЗИЛГАН, ҚОНУН-ҚОНДАЛАР МУТЛАҚО ЎЗГАРГАН, ҲАТТО ДЎСТИМ ДЕБ ЮРГАН БАЪЗИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО ИШОНЧ ЙЎҚОЛГАН БИР ПАЙТДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТАРИХИЙ ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШИ БОШҚАЛАРГА ЎРНАК-НАМУНА БЎЛГАНИ ШУБҲАСИЗ.

3

Ҳар гал бир ўлкага сафарга чиқаётсам, кўз олдимга умр бўйи қора меҳнат қилиб, элдошларим корига яраб, ҳалол яшаб ўтган раҳматли отам ва онам келаверади. Бири Тошкенту Уратепадан бошқа шаҳарни кўрмаган бўлса, бири Самарқандда туғилиб, ҳатто шу қадим пойтахтиям зиёрат қилолмай, дунёдан армон билан кетгани менга алам қилади!

Ўзим эса Яратганга минг бора шукроналар айтсам арзийди. Таъкидлайман, айнан истиқлол шарофати туфайли авлод-аждодларим кўрмаган қанча жаннатмонанд ўлкаларни, муқаддас манзилу маконларни зиёрат қилмоқ насиб этди. Қайси юртга қадамим етгудек бўлса, энг аввало, машҳур 1930-йиллари шўролар томонидан “қулоқ” дея отилиб кетган жаҳонгашта Жалил Карвон бобомиз ва момоларимиз, ота-онамиз номлари беихтиёр ёдимга келаверади.



...Беш кунки яна она Ватандан олисдамиз. Сафаримиз тадориги сал аввалроқ бошланган эди. Ушанда бир умр тиниб-тинчимайдиган ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси, чин маънода айтганда, ҳақиқий “ахборот қироли” Муҳаммаджон Обидов ташаббуси билан Миср журналистлари ассоциацияси ҳамкорлигида икки мамлакат қаламқашлари форуми доирасида ижодий учрашувлар режалаштирилган эди.

Ниҳоят ўша ажойиб сафаримиз Осие ва Африка қитъалари оралиғида жойлашган, довуғи дунёда дoston бўлмиш Шарм аш-Шайх шаҳридан бошланди.

Қизил денгиз бўйлари... Инсоният тарихининг афсонавий ва сирли осори атиқалари билан ҳамон бутун дунё ахлини ҳайратга солиб келаётган Миср эҳромлари, Қоҳирадаги машҳур Тарих музейи, улуғ бобомиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг дунёдаги энг узун дарё – Нил соҳилида бунёд этган нилометри ва ҳайкали зиёрати. Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонасида буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Ўткан кунлар” романининг араб тилига илк таржимаси – “Ўткан кунлар: Туркистондаги аччиқ севги қиссаси” китобининг тақдими. Дунёдаги энг қадимий университетлардан, шу билан бирга, энг нуфузли масжидлардан бири Ал-Азҳар зиёрати...

Ва яна бир олам унутилмас воқеалар тафсилотини “XXI asr” газетасининг кейинги сонларида ўқийсиз. Яхшиликда кўришгунча!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
Миср Араб Республикаси



5

**“YOU TUBE”ДАГИ
ЮТУҚЛАРГА ИШОНМАНГ!**

...Кейин маълум бўлишича, ҳалиги йигитча ижтимоий тармоқдаги қимор ўйинига аралашиб қолган. Отаси бечора хорижда минг азоб билан топиб жўнатган пулларни ўғли ана шу ўйинга тиккан экан. Аввалига беш-ўн сўм ютган ва тенгқурларига мақтанганим рост. Кейин эса... бор-будидан ажраган.



6

Тоғай МУРОД:
**БИРОДАР, МЕН СИЗГА-ДА
МУСТАҚИЛЛИК ТИЛАЙМАН!**

Мен Абдулла Ориповдан дастхат олиш учун... нонга навбатда тургандай туриб эдим.
Мен Чингиз Айтматовдан дастхат олиш учун... аэропорт бориб пойлаб эдим.
Уйимда ана шу зотлар дастхати бор.
Мен ушбу дастхатларга қараб-қараб яшайман.

/// ИШЧИ ГУРУҲИ

ЖИЗЗАХДА ТОМОРҚАДАН 200 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД ТОПАДИГАН ОИЛАЛАР БОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов бошчилигидаги парламент кўйи палатаси депутатларидан иборат ишчи гуруҳи Жиззах вилоятда бўлиб, "Ўзбекистон-2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганишди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берилган макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ривожланишни таъминлаш, инвестиция ва экспорт ҳажминини ошириш, саннат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, экология ва ижтимоий соҳаларда амалга оширишга оид устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Асосий, соҳалар тизимида учраётган муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф қилишда биринчи навбатда жамоатчилик назоратига эътибор қаратиш, шунингдек, янги қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш диққат марказида бўлди.

Ишчи гуруҳи аъзолари дастлаб Мирзачўл туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳаллий кенгаш депутатлари билан биргаликда худуддаги ислохотлар самарадорлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашиб олдилар. Сўнгра тумандаги "Kamels cattle" кўп тармоқли фермер хўжалиги даласида аграр соҳа ходимлари билан мулоқот бўлиб ўтди. Мазкур фермер хўжалиги пахта, галла, чорва ва полив маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган бўлиб, айтиш кунда бу ерда 10 нафар доимий ва 30 нафар мавсумий иш ўрни яратилган. Утган йили 50 миң долларлик полив маҳсулотлари экспорт қилинган. Айтиш пайтда хўжалиқда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича янги

лойдхалар амалга оширилмоқда.

Фермер хўжалиги дала шийпониди бўлиб ўтган мулоқот чоғида ишчи гуруҳ аъзолари мирзачўллик соҳибкорларга юртимизда аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ҳақида гапириб бердилар. Соҳа ходимлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган янги имтиёزلарни санаб ўтдилар. "Сайхунобод тажрибаси"ни оммалаштиришга қаратилган таклифларни ўртага ташладилар.

– Мақсад янги иш усулларини жалб қилиш, меҳнат унумдорлигини оширишдир, – деди O'zLiDeP лидери, ишчи гуруҳ раҳбари Ақтам Хаитов. – Энг асосийси, соҳада меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг даромадини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини таъминлаш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Мирзачўллик аграр соҳа ходимлари маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳали ишга солилмаган имкониятлар, ўзларини ўйлантараётган масалалар юзасидан халқ ноибларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, барча саволларига батафсил жавоб олишди.

Кейинги манзил "Faxr Mumin textile" корхонаси бўлди. 2021 йили ишга тушган корхонада айтиш пайтда 130 нафар ходим доимий иш билан банд. Партиядан сайланган депутатлар улар билан яқиндан мулоқотда бўлдилар, яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар. Эътиборли томони, мазкур ўрганишлар ва мулоқотлар чоғида аниқланган муаммо ва камчиликлар жойида ҳал этилди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги асосий вазифаларни белгилаб берар экан, аҳоли хонадонларидаги томорқалардан унумли фойдаланишни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратган эди. Бу бўйича 309 та маҳаллага "Лидер" тадбиркор – экспортчилар бириктирилиши белгиланди. Эндиликда банклар томорқада 50 миллион сўм даромад қиладиган молиявий пакет ишлаб чиқади.

Айтиш вазифалар ижросини таъминлаш, вилоятда томорқачиликни янада ривожлантириш, бу борада бой тажриба тўплаган соҳибкорларнинг иш усулларини маҳаллаларда кенг оммалаштириш ҳам ишчи гуруҳнинг асо-



сий йўналишларидан бўлди. Шу мақсадда вилоятнинг Зарбдор ва Шароф Рашидов туманларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитов ва соҳага бевосита масъул мутасаддилар, "маҳалла еттичилиги", депутатлар ва партия фаоллари иштирокида семинар ташкил этилди.

Семинар иштирокчилари дастлаб Зарбдор туманидаги Лаликор маҳалласига ташриф буюришди. 3 700 нафардан ортиқ аҳоли ашайдиган маҳалла обод қилинган, йўл четлари ва бўш майдонларга "Яшил макон" лойиҳаси доирасида кучатлар экилган.

Маҳалла деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Мавжуд 668 хонадоннинг барчасида томорқа бор. Шунингдек, аҳолига деҳқончилик қилиш учун 126 гектар ер ажратилган. Резавор мевалар етиштириш бўйича ўқув майдони ташкил этилган. Бу ерда май-

мунжон, хўжағат, голубика кўчатлари ўстирилиб, аҳоли томорқаларига экилади. Ҳосилга киргач, экспортчилар томонидан сотиб олинади.

Вилоятнинг барча худудларида бўлгани каби бу туманда ҳам томорқа ва деҳқон хўжаликлариди янги захираларни ишга солиш, бозорбоп маҳсулотлар етиштириш чоралари кўрилмади. Бу борада намунали томорқачи Ҳошим Аҳмедов хонадониди амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Кафтардекина ҳовлида иссиқхона ташкил қилиниб, лимон экилган. Ҳовлида 4 қути асалари, қорамол, қўй, 100 дан ортиқ бройлер жужалар боқилмоқда.

10 хил турдан зиёд мевали дарахтлар, кукат, зиравор ва бошқа экинлар дид билан экилган. 5 кишидан иборат оила аъзолари улардан унумли фойдаланиб, йилгиси 200 миллиондан ортиқ соф даромад қилиш имконияти борлигини айтишмоқда. Семинар иштирокчилари

ри томорқачининг амалга ошираётган ишлари билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Партия етакчиси иштирокидаги семинар машғулотлари Шароф Рашидов тумани Тўғёли маҳалласида яшовчи "Намунали томорқачи" кўкрак нишонли соҳиб Абдумумин Каримов хонадониди давом эттирилди. Унинг хонадониди бўш ерининг ўзи йўқ. Кирган кишининг дили яйрайди, кўзи қувнайди. Ҳар қарич ерга дид билан ишлов берилган. 6 сотих майдонни эгаллаган 2 та иссиқхона, тоқзор, турли мевали кўчатлар экилган боғ йил – ўн икки ой томорқадан ҳосил олиш имконини яратади. Қолаверса, рўзгорда қорамол, қўй, товўқ боқилмоқда.

Албатта, мўъжазгина ҳовлидаги бу мўъжизанининг сири – ўқув ва меҳр билан қилинаётган меҳнатда. Абдумумин аканинг хонадониди 8 киши яшайди. Оила аъзолари, ҳатто невалар ҳам томорқачининг яқин дастёрига айланишган. Томорқачи ўз ютуқ ва муваффақиятлари сири билан ўртоқлашди. Томорқачилик билан шуғулланишни истовчилар учун уруғлик, кўчат, қаламча бериб, кўмаклашишга тайёрлигини билдирди.

Семинар давомида намунали томорқачилар тажрибасини оммалаштириш, аҳоли ихтиёридаги ерларнинг ҳар қаричини даромад манбаига айлантириш асосий вазифа эканлиги таъкидланди. Давлат томонидан бу борада бериладиган имтиёзли амалий ёрдам турлари санаб ўтилди.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ОЛМАЛИҚДАГИ ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ МУАММОСИ НИМА?

Бугун халқ билан очик ва самимий мулоқот олиб бориш, аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Парламент кўйи палатаси депутatlари Атхам Назирқулов ҳамда Нодир Абдувалиевнинг айтиш мақсаддаги учрашувларининг навбатдагиси Олмалик шаҳрида бўлди. Улар хусусий бизнес вакиллари билан мулоқотда бўлиб, муаммоларга қонуний ва ижобий ечим топишга эътибор қаратишди.



Нодир Абдувалиев мебель ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини ўрганишдан, корхона раҳбари Президентимизнинг "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасидаги ҳуқуқларини амалга оширишда бир қатор тўсиқларга дуч келаётгани маълум бўлди. Тадбиркор корхонани кенгайтириш мақсадида каналлаш тarmoғини яхши бўлган худуддан ер олишда амалий ёрдам сўради. Халқ ноибни ушбу масалани атрафлича ўрганиб, тегишли ташкилот ва идоралар билан бирга ижобий ечим топишга ваъда берди.

Депутат Атхам Назирқулов "Universal firma Azat" хусусий корхонасидаги учрашувида юртимизда хусусий секторни ривожлантириш, соҳага хориждан инвестиция ва юқори малакали мутахассислар жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини сўзлади. Стоматологик жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли амалга ошириб келинаётган ушбу шохобчанинг хизматлар сифати ва нархларининг мақбуллигини таъминлаш бўлди. Муассаса масъулининг республика худудида олиб қилинадиган янги тиббий асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар ҳамда сарфлаш материаллари учун кўрсатилган божхона хизматларини янада қулайлаштириш борасидаги асосли таклифларини тинглади.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим муддир

ФАРҒОНА

ҲАМКОРЛИК ЯХШИЛАНМОҚДА

Қонунчилик палатаси депутатлари Шуҳрат Шарафутдинов ҳамда Мавлуда Ибрагимованинг бўвайдиликлар билан учрашувлари қизғин кечди.

Мулоқотда қонунчиликдаги янгиликлар, жумладан, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясидаги устувор йўналиш ва мақсадларнинг мазмун-моҳияти, айтиш-

са, таълим тизимини янада такомиллаштириш, аёллар бандлигини таъминлашга оид вазифалар юзасидан маълумот берилди.

"Маҳалла еттичилиги" муаммоларини самарали ҳал этиш имконини бераётгани, давлат органлари ва аҳоли ўртасида ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқаётгани алоҳида қайд этилди. Ўз навбатида сайловларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари эшитилди, муаммолар ечим назоратга олинди.

O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЖИЗЗАХ

ҒАЛЛАОРОЛЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Феруз Нигматова 35-Ғаллаорол сайлов округидаги сайловчилари билан учрашди. Худудда томорқачиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ғаллаорол туманидаги 35 маҳаллада 187 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Худудда томорқачиликни ривожлантириш борасидаги ишлар авжида. Илғор томорқачилар кафтардек ерда катта даромад келтириши мумкин бўлган экинларни экиб, экспорт қилишга бўлган жараёнларни ўзлаштириб улгурган. Обод маҳаллалик Оқберди Очилов, Ҳабиба Очилова, Хуршидахон Акрамова ҳамда Абдуҳаким Абулқосимов ана шундай меҳнатқашлардан.

– 33 миллион сўм кредит олиб, иссиқхона қилдим. Айтиш пайтда фақатгина помидордан йилига 50 миллионгача даромад оляпмиз, – дейди Хуршидахон Акрамова.

Сарбозор маҳалласи Янги боғ кўчасида истиқомат қилувчи Абдурауф Бўронов ҳам ер билан тиллашганлардан. Паррандачилик, асаларичилик, чорвачиликда илғор. 35 сотих бўш турган майдонда боғдорчилик ва кўчатчиликни ҳам бошлади. 10 нафар маҳалладошини ишли қилди.

Мулоқот чоғида халқ ноиб маҳалла аҳлига янги қонунлар, ер участкаларига бўлган мулк ва ижара ҳуқуқи, давлатимиз раҳбарининг 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятига ташрифи чоғида томорқачиликни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари ҳақида маълумот берди. Аҳолининг мурожаатлари назоратга олинди.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

ЙИЛИГА УЧ БОР ҲОСИЛ ОЛИШ ТАШАББУСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳаматова Яккабоғ туманидаги Жамбул, Шаҳрисабз туманидаги Оқдарё маҳалласи аҳли билан фикрлашди. Уларга яшил макон ва яшил энергия, Вазирлар Маҳкамасининг "Ёқилги-энергетика соҳа-



сида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида кенг маълумот берди. Аҳолининг томорқадан унумли фойдаланаётганига гувоҳ бўлди.

– Томорқадан самарали фойдаланадиган 400 та хонадонимиз бор, маҳалладошларимиз жудамеҳнатқаш, – дея эътироф этди туман ҳокимининг Оқдарё маҳалласидаги ёрдамчиси. – Масалан, Музаффар Уззоқов мактаб директори бўлишига қарамай, эртаги қарам етиштириш ва томорқадан йилига уч бор ҳосил олиш ташаббуси билан қишлоқдошлари ва жамоасига ўрнак бўлаётир.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

НАМАНГАН

ЭКОЛОГИЯНИ ЯХШИЛАШДА ТАЛАБАЛАР ФАОЛ

O'zLiDeP Наманган шаҳар кенгаши ташаббуси билан НамДунинг биотехнология факультети табиий фанлар йўналиши талабалари ва таълим-тарбия маслаҳатчилари билан "Депутат ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди.

Партия шаҳар кенгаши аппарати раҳбари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Соҳиба Ғаффарова Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мақсади ва ғоялари, тадбиркорлар, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган лойиҳалари ҳақида сўзлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Зафар Худойбердиев ва Барно Мирзамова эса давлатимиз раҳбарининг шу йил 28-29 март кунлари Наманганга ташрифи давомида худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, томорқадан унумли фойдаланиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, Норин дарёсида гидро, Поғда қуёш электр станциялари қурилиши бўйича белгилаб берган устувор вазифаларнинг аҳамиятини тушутирди.

Талабалар, айниқса, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси мавзусида баҳс-мунозараларга киришдилар, шу йўналишда олиб борилаётган илмий изланиш ва тадқиқотлар хусусида тўхталишди. Табиатни асраш, экологик муҳитни яхшилаш юзасидан қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш кераклигини билдирдилар.

Комилжон ФАЙЗИЕВ

САМАРҚАНД

БИЗНЕС СЕКТОРИ МУҲИМ СЕКТОР БЎЛАПТИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Наврўз Ризаев ва Адхам Шодмонов ҳамда O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши масъуллари Ургант туманидаги "Satto medical center" тиббий диагностика ва даволаш хизматлари маркази фаолияти билан танишдилар. Учрашувда соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторнинг ролини ошириш, фаолиятини ривожлантириш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги ислохотлар юксак самара бераётгани қайд этилди.

Айтиш лозимки, 60 ўринли замонавий клиникада 173 нафар шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилмоқда. Малакали мутахассислар нафақат туман аҳли, балки қўшни туман ва вилоят ҳамда тожикistonлик беморларга ҳам замонавий хизмат кўрсатишмоқда. Хорижлик шифокорлар билан доимий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган касалликларни самарали даволашда муҳим омил бўлмоқда.

Учрашувда соҳа мутахассислари стандарт талабларга жавоб берадиган хорижий тиббий жиҳозларни олишда субсидиялар, кредитлар ажратишда имтиёزلар зарурлигини айтишди.

Халқ вакиллари Мерганча кавишда жойлашган "Elite elektrogroun" МЧЖда ҳам бўлдилар. Корхонада кир ювми машинаси ишлаб чиқарилади. 60 дан ортиқ ишчи-хизматчининг бандлиги таъминланган. Маҳаллийлаштириш даражаси 85 фоизга етказилди. Маҳсулотлар Қозғоғистон, Қирғиғистон, ва Тожикistonга экспорт қилинади.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

Саҳифани "XXI asr" муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.



ДЎСТ ҒАМИГА ҚАД ЭГИБ, ДАРДМАНД БЎЛАМИЗ, ДЎСТИМ!

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Чет эллик нуфузли иқтисодчи ва таниқли сийасатчиларнинг нуқтаи назарича, икки томонлама муносабатларнинг бундай юқори даражага кўтарилишига Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш, умумий салоҳиятни ривожлантириш ва барқарор тараққиётни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида эришилди. Жумладан, сингапурлик эксперт, “CASEA” Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё бизнес палатаси бош директори Руди Фанг худди шундай фикрда.

Давлат ташрифи дастури ниҳоятда кенг қамровлилиги билан ажралиб турди. Унда наинки иқтисодиёт-инвестиция ва саноат-ишлаб чиқариш, балки маданият-санъат ва илм-маърифат соҳалари ҳам эътибордан четда қолмади. Жомий ва Навоий елкадошлигидан бошланган маънавий ирмоқлар эндиликда азим дарёлар янглиғ мавжланаётгани аққол билинди.

Ўтган асрнинг ўрталарида чақмоқ чаққандек бутун қитъага ёйилган “Осиё овози”, “Озод Шарқдан мен”, “Она дили”, “Баланд ошён” каби баланд пардадаги юртпарварлик шеърлари эсингиздами? Марказий Осиёнинг ўзига хослиги, Ватаннинг сийрати ва сурати таранум этилган ана ўша сеҳрли сатрлар тожик халқининг атоқли фарзандига тегишли. Неру мукофоти лауреати, Тожикистон Қаҳрамони Мирзо Турсунзода шеърлари жаҳон адабиётининг нодир намуналарига айланган. У муайян вақт Тошкентда яшаган ва ўқиган пайтида ўзбек билан тожик турли тилда гаплашадиган битта миллат эканига амалда амин бўлган. Халқ шоири ва академик олим сифатидаги қатор чиқишларида шу жиҳатга алоҳида урғу берган.

Мирзо Турсунзодадан роппа-роса 30 йил кейин таваллуд топган оташин ижодкор, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов эса дўстлик ришталари, қондошу қариндошлик тарихи ва келажаги, маданий алоқалар ўтмиши ва эртса, сийсий-иқтисодий ҳамкорлик истиқболларини фалсафий назмга кўчиришда юксак чўққини забт этди. Унинг “Ўзбегим тожик билан...” шеърини мутлола қилган борки, икки халқ дўстлигини улуғ олиши талола.

Ҳаммага ёд бўлиб кетган машур асарнинг мисраларини такдорлашга ҳоҳат йўқлигини айтган ҳолда, бу шеър худди ҳозир – давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга ташрифи доирасидаги воқеалар жараёнини кўриб-кузатиб ёзилгандай таассурот қолдиришни таъкидлаш жоиз. Асрлар давомида бир булоқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келаятган, яхши-ёмон кунларда елкама-елка туриб, қийинчиликларни ҳам биргаликда енгиб ўтаётган халқларимизнинг ўхшаш турмуши ва уйғун тафаккури ушбу шеърда ўта самимий тасвирланган.

Ташриф тафсилотлари юзасидан даво туккан мулохазаларимизни Президентларнинг иродаси ва узоқни кўзал юритаётган оқилона сийсати туфайли кейинги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилгани, дўстлик янада мустақамланганини очиб баён этишдан бошлаш мақсадга мувофиқ, назаримда.

Душанбе шаҳридаги халқаро аэропортда кутиб олиш жараёни телеканаллару ижтимоий тармоқларда трендга чиққани рост. Азиз меҳмонга пойандоз солиш, қадамнинг изига гул битсин, дея қаршилаш удуми замонавий кўринишда намён бўлгани, олий мартабали меҳмонга Тожикистон ёшлари ва ижодий жамоалари ҳам пешвоз чиққани аэропортни самимият сарҳадида айлантирди.

Исмоил Сомоний ҳайкали пойига қул қўйишдан бошланган тадбирлар “Қасри Миллат” қалроғида Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг тор доирада учрашувига уланди. Икки етакчи, икки дўст нафақат икки томонлама ҳамкорлик, балки минтақавий тузилмалар ва халқаро ташкилотлар доирасидаги позициялари ўта ўхшаш ва ўзаро уйғун эканини яна бир бор тасдиқлади. Иттифоқчилик муносабатларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш барча даражалардаги мулоқотлар натижадорлигини оширишни тақозо этиши қайд этилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, охириги йилларда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 40 баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони 15 баробар кўпайди. Энди эса маҳсулот етказиб бериш номенклатурасини кенгайтириш, чегараолди товар зоналарини тезкор ишга тушириш орқали ўзаро товар айирбошлашни 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон – Тожикистон бизнес-форуми якунида янги кооперация лойиҳалари ва савдо шартномаларининг катта портфели шакллантирилгани диққатга сазовор. Машинасозлик, электротехника, энергетика, кончилик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларидаги манфаатли лойиҳалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон музокаралини икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирди. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, энг аввало, сийсий ва савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада чуқурлаштириш масалалари муҳокамалар марказида бўлди.

– Кейинги йилларда олий даражадаги ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш руҳидаги фаол мулоқот натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бугун имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги тарихий шартномани амалга ошириш учун барча даражаларда – парламентлар, ҳукуматлар, ташқи сийсий идоралар, вазирлик ва худудлар ўртасидаги мулоқотлар самарадорлигини ошириш лозим.

Президентлар энергетика, электротехника, металлургия, қазиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика, агросаноат ва бошқа тармоқларда муҳим лойиҳаларни



биргаликда амалга ошириш, шунингдек, сувдан фойдаланиш масалалари бўйича қатъий келишувларга эришилганини оқлишадилар.

Глобал ахборот тармоғи дея эътироф этиладиган интернетни “портлатган” яна бир воқеа хусусида алоҳида сўз юритиш жоиз. У ҳам бўлса, икки миллат етакчиларининг муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият аънаваларимизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш, биродар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун маданият ва санъат арбобларининг бир гуруҳига фахрий унвонларни бериш маросимида шахсан иштирок этишганидир.

Тожикистон миллий консерваторияси ректори Мирали Дўстизода, шу консерватория доценти Исмоил Назриев, Тожикистон Телевидение ва радио қўмитасининг Ф.Шаҳобов номидаги “Шошмақом” ансамбли раҳбари Фурақ Саидзода, Бобожон Гафуров тумани шошмақом ансамбли раҳбари Тўлқин Тожибоев, “Фалак” ансамбли бадиий раҳбари Раҳматулло Хошимов “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвонига сазовор бўлди.

Ўзбекистон миллий мусиқа санъати институти “Мақом хонандлиги” кафедраси профессори Муножатхон Йўлчиева, маданият вазири Озодбек Назарбеков, “Лаэги” ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Оғабек Собиров ва Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова “Тожикистон халқ ҳофиси” фахрий унвони, Миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиев “Тожикистон халқ артисти” фахрий унвони билан тақдирлангани жамоатчиликда кучли акс-садо берди.

Давлат раҳбарлари юксак мукофотларни ўз соҳибларига тантанали равишда, санъаткорларни бағрига босиб топширишларини кузатган инсон борки, қардош икки эл яқин ўтмишда бир-бирининг тўй ва азасига боролмай қолганини эслади. Биродарликнинг яқин ва аҳил қўшничилик шароитида қайта тикланганидан одамлар хурсанд.

Тожикистонликлар фикрига кўра, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев уларнинг юртига эмас, юрига ташриф буюради. Ҳар сафар шундай бўлади. Ҳар келганида фақат яхши воқеа ва янгиликлар юз беради. Мана бу сафар ҳам икки халқ учун жуда муҳим аҳамият касб этадиган жами 28 та ҳужжат, келишув ва битимлар имзоланди.

– Яна бир бор таъкидлайман, Тожикистон Ўзбекистон учун энг яқин, ишончли, асрлар билан синалган стратегик шерикдир, – деди Шавкат Мирзиёев. – Биродар ўзбек ва тожик халқлари кўп асрлик дўстлик ришталари билан чамбарчас боғланган. Бизни умумий тарих, маданий ва маънавий қадриятлар, аънава ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Қардош халқларимизнинг туб манфаатлари тўлиқ мис бўлган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзолангани ушбу ташрифининг чинакам тарихий натижасидир.

Душанбе шаҳридаги “Кўҳи Борбад” санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида ўтказилган “Дўстлик оқшоми” ҳам давлат ташрифининг руҳиятига мос бўлди. Икки мамлакат санъат усталарининг бундай қўшма тадбирлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши аънава айланган. Зеро, меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшаш – халқларимизнинг азалий орзуси ва эзгу интилишидир. Бугун ушбу орзу-интилишлар ҳаётга кўчмоқда, мамлакатларимиз етакчиларининг иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли халқларимиз янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилди. Бу жиҳатлар истеъдодли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқларда ўз ифодасини топди.

Тожикистон Республикаси давлат ташрифининг иккинчи куни Президентимиз ушбу мамлакат Олий Мажлиси Намояндагон мажлиси Раиси Маҳмадтоир Зоир билан учрашув ўтказди. Унда парламентлараро алмашинувни янада фаоллаштириш, кооперация лойиҳалари ва

маданий-гуманитар дастурларни қўллаб-қувватлаш учун соҳавий қўмиталар ва худудий кенгашлар даражасида самарали алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳо-

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЗОКАРАЛАР ЯКУНИДА ИМЗОЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР

- Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома;
- Саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Саноат мулкни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари, халқаро автомобил ва авиация қатновлари тўғрисидаги битимларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида баённомалар;
- Ветеринария ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;
- Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;
- Маданият ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик, агросаноат мажмуидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “йўл харита”лари;
- Андижон, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Сўғд вилояти, Қашқадарё вилояти ва Хатлон вилояти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар ва 2024-2026 йилларга мўлжалланган “йўл харита”лари.

кама қилинди. Қабул қилинган ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ҳамда олий даражадаги келишувларнинг ўз вақтида рўёбга чиқарилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда икки мамлакат депутатларининг муҳим роли қайд этилди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Тожикистон Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди. Давлатимиз раҳбари олий даражада эришилган барча келишувлар икки мамлакат ҳукуматлари томонидан сўзсиз амалга оширилиши муҳим экани, шу мақсадда қўшма “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва Бош вазирларнинг учрашувларини тизимли равишда ташкил этиб бориш зарурлигини билдирди. Мулоқотда, шунингдек, икки мамлакат худудларининг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Давлат ташрифи доирасида мамлакатимизнинг Душанбе шаҳридаги элчихонаси янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Рамзий тасма кесилгач, Президентлар элчихонада дипломатлар учун яратилган шароитлар билан танишдилар.

Ташриф доирасида Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон биргаликда Душанбе Экспо марказида ташкил этилган Ўзбекистон саноат кўргазмасига ташриф буюрди. “Made in Uzbekistan” бренди остидаги павильонда мамлакатимиз автомобилсозлигининг юқори технологик маҳсулотлари, электр ва қишлоқ хўжалиги техникаси, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, кимё, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа саноат тармоқларининг товарлари намойиш этилди. Давлат раҳбарлари етакчи корхоналар кооперациясини кенгайтириш, ўзаро тажриба ва технологиялар билан алмашиш зарурлигини таъкидладилар.

Қўшиллар ўртасидаги эшиклар тамбалинидан кимга фойда бор дейсиз. Бундан кўпроқ оддий одамлар зарар кўради. Яқин ўтмишда шундай замоналар бўлдики, ўзбек ва тожик халқлари борди-келдиси ўртасига қалин бетон тўсиқлар, темир панжаралар қўйилди. Бу ҳолатни Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов алам билан, аммо эртанги кунга астойдил умид билан шеърга солганди.

**Ўртамизга кўп нифоқ,
Солмоқ бўлдилар бироқ,
Асли биз эт ва тирноқ –
Монанд бўламыз, дўстим.**

Шоир ўша шеърининг ниҳоясида ўзбек ва тожик халқларини “хуш ниятли меъморлар”га ўхшатган ҳолда, бетон деворлар қулаганида ҳаммамиз хурсанд бўламыз, дўст ғамига қад эгиб, дардманд бўламыз, дўстим, дея орзу қилганди. Бу эзгу мақсадга эришишда азму шижоат кўрсатган инсонни бугун ҳамма, бутун минтақа аҳли дуо қилаётди. Сийсий иродаси маҳсулини, астойдил шеърати натижасини, ортга қайтмас қатъий позициясини шароитини қўшиқ қилиб қуйлаётди.

“Кўҳи Борбад” санъат саройида Озодбек Назарбеков “Ватандори” таронасини хониш қилаётганда катта экранда кўрсатилган ислохотлар самаралари концерт дастури томошабинларини беихтиёр ўрнидан турғазиб юборгани, аксарияти қарсақ чалиб жўр бўлгани бежиз эмас. Чунки улар шу ўзгаришларни ўз ҳаётлари, шахсий турмуш тарзи мисолида кўришди, сезишди ва ҳис қилишда давом этишмоқда. Бундай пайтларда инсонни ҳаяжон бошқариши, ички овоз сиртга чиқиши табиий. Мухтасар хулоса ўрнида ниятимиз ҳам, мудароимиз ҳам қуйидагича: ана шундай ҳаяжонли онларимиз тобора кўпаяверсин!

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ – ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амурдарё туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларни таҳлил қилган киши секторлар ва худуддаги ташкилот раҳбарлари фуқаро мурожаатларини вақтида кўриб чиқишганини аққол сезади.

Амурдарё туманида истиқомат қилувчи фуқаролардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхонасига 2024 йил 31 мартга қадар 1 335 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 591 таси, яъни 49 фоизи ижобий ҳал этилган. Ўтган йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 836 та, 506 та ва 61 фоиздан иборат бўлган.

Бу йил кўриб чиқилган жами мурожаатларнинг 330 таси ҳуқуқий маслаҳат ва маълумот бериш орқали ҳал қилинган диққатга сазовор. Биринчи чоракда узоқ муддатли назоратга олинган масалалар 28 тани ташкил этган бўлса, 198 тасига тушунтириш берилган, 3 таси кўрмасдан қолдирилган, 4 таси рад этилган, 52 таси тугатилган, 1 таси маълумот учун қабул қилинган.

Ушбу даврда аҳолидан энг кўп мурожаатлар уй-жой билан таъминлаш ва таъмирлаш масалалари, моддий ёрдам ва ижтимоий нафақа масалаларида, давлат органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норозилик, бандлик ва соғлиқни сақлаш масаласида келиб тушганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Халқ қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари кесимида ҳам таҳлил қилиб борилиши туфайли қайси ҳудудда қандай муаммолар юзага чиқаётганини тасаввур қилиш имконини бераётди. Масалан, “Урта қалъа”, “Тўлқин”, “Оқ олтин”, “Назархон” сингари овуллар аҳолиси табиий газ босими пастигидан шикоят қилган.

“Уйшын”, “Гулзор”, “Ойбек”, “Қорамон”, “Дўстлик”, “Янгибод”, “Юқори қишлоқ”, “Фаровон”, “Хизр эли”, “Тош қалъа” “Қизилчол”, “Жумур овул”, “Дурунқи”, “Бўстон”, “Беруний” маҳаллаларида яшовчилардан алиментларни ундириш бўйича мурожаат кўпайган.

Тумандаги 18 ёшгача болалар нафақаси билан боғлиқ муаммолар “Дарё бўйи”, “Фаровон”, “Қорамон”, “Юқори қишлоқ”, “Қизилчол”, “Бойовул”, “Ўзбекистон”, “Алишер Навоий”, “Чордара” маҳаллаларида яққол намоён бўлаётганини айтиб ўтишимиз жоиз. Иш билан таъминлаш масаласида эса “Чойкўл”, “Қиличбой”, “Оқ олтин”, “Тош ён” овулларида мурожаатлар талайгина.

Кези келганда, ижобий ҳал қилинган мурожаатларга мисоллар келтириб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Масалан, Амурдарё тумани “Урта қалъа” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Р.Мадаминовнинг электр энергияси кучлини паст эканлигини билдириб, кўчасига транс-

форматор ўрнатиб беришда амалий ёрдам сўраб ишонч телефонига қилган мурожаати “Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ томонидан назоратга олиниб, туман электр таъминоти корхонаси томонидан янги трансформатор ўрнатиб берилди.

Амурдарё тумани “Арна бўйи”, “Қизилчол”, “Тор ён” МФЙлар ҳамда “Тўлқин”, “Чойкўл”, “Қиличбой”, “Амир Темур”, “Бўз ён”, “Оқ олтин” овулларида яшовчи бир гуруҳ аҳоли томонидан пилла пулларини олишда амалий ёрдам сўраб, туман Халқ қабулхонасига жами 10 тадан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Халқ қабулхонасининг аралашуви билан барча фуқароларнинг пилла пуллари қонуний ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, пилла пулларини вақтида олиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг веб-сайтига фуқаро Қ.Гулманов томонидан йўлланган мурожаат ҳам тезда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди.

Амурдарё туманида яшовчи фуқаро О.Эркинбаевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишонч телефонига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун юз миллион сўмлик кредит олишда кўмаклашишга оид мурожаати “Микрокредитбанк”нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали билан ҳамкорликда белгиланган тартибда ҳал этилди.

Бундан ташқари, сектор раҳбарлари томонидан тумандаги овул ва маҳаллаларда режа асосида жами 97 маротаба сайёр қабул ўтказилганда ҳам 282 та мурожаат қабул қилинган. Шундан 207 таси қаноатлантирилди.

Бир қарашда қўриқдаги оддий рақамларга ўхшайди. Лекин уларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон ва унинг тақдири туради. Шундай экан, халқ қабулхоналари халқ хизматида бўлишдек эзгу фаолиятини бундан буён ҳам сифат жиҳатдан янги босқичда давом эттираверади.

Анвар ОРАЗБАЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
Амурдарё
туманидаги
Халқ қабулхонаси
муdiri



/// МУНОСАБАТ

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш вазифаси белгиланган. Иқтисодчилар бу маррага етиш формуласи сифатида, жумладан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали экспортни, валюта ва солиқ тушумларини кўпайтириш таклифини ҳам илгари суришяпти. Айна кичик бизнес кўламини кенгайтириш воситасида иқтисодиётни янада тараққий эттириш мумкинлигини билдиришяпти.

Маълумки, тадбиркорлик – муайян ташаббус асосида, маъсулият билан амалга оширилувчи муштарак иқтисодий фаолият. Хусусан, фаолият кўлами бўйича илгари кичик тадбиркорлик, унинг бир қисми ҳисобланган оилавий бизнес иқтисодиётдаги ўзгаришларга тезлик билан мослаша олиши, истеъмолчининг қизиқишларини эътиборга олиши, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши, рақобат муҳитини кучайтирган ҳолда иқтисодиётга динамика бағишлаши каби хусусиятлари билан ажралаб туради.


Оилавий тадбиркорликнинг янги иш ўринлари яратиш борасидаги имконият ва салоҳияти унинг ҳаракатчанлиги, йўналишни тез ўзгартира олиши каби хусусиятларида намоён бўлади. Ана шу ва бошқа талай афзалликлари туфайли мамлакатимизда тадбиркорликнинг мазкур шаклини ривожлантиришга ургу берилётди.

Жорий йил 2 апрелда давлатимиз раҳбари “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ушбу ҳужжат О’ЛиDePнинг тегишли дастурий мақсадларига уйғунлиги билан ҳам, айниқса, эътиборга молик. Зеро, мазкур қарор ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, мунтазам даромад манбаига эга бўлишлари шароит яратиш, бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларнинг узвий давоми бўлди.

Қарорда Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилса, ресурс маблағлари ва кредит бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда камайирилиши, оширилгани тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши ҳам белгилаб қўйилляпти.

Оилавий тадбиркорлик ёхуд даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ёки фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган ўзини ўзи банд қилган шахсларга ҳамда тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар 6 ойдан 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан 4 йилгача муддатга берилди.

Чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик (тухум



Моҳинур БАҲРОМОВА,
юридик фанлари доктори,
O’LiDeP Тошкент шаҳар Чилонзор
туман кенгаши аъзоси

йўналиши) учун эса кредитлар 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилдан 4 йилгача бўлган муддатга берилди.

Эндиликда ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар (асосий иш жойига эга шахслар бундан мустасно) паррандачилик, кўбчилик, чорвачилик, асаларчилик, балиқчиликни бошлаш ҳамда илгари иқтисодиётда полис маҳсулотлари етиштириш учун учун 33 миллион сўмгача кредит олишлари мумкин. Шунингдек, мазкур қарорда оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган, ер майдони 10 сотихдан ортиқ бўлган томорқа ер эгалари ва ижарачиларга 50 млн сўмгача, 10 сотихли илгари иқтисодиётда намоён бўлган эҳсанлиқ фаолиятини ташкил этиш учун эса 100 млн сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилиши белгилаб қўйилган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, маҳаллага бириктирилган банк ва ҳоким ёрдамчиси маҳалладаги кредитлар ҳисобига амалга оширилаётган оилавий тадбиркорлик лойиҳаларининг натижадорлиги учун тенг манфаатдор ва жавобгар бўлади.

Мазкур қарор имзолангунга қадар амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда кредит олишда нақдлаштириш имконияти чекланган. Бу борадаги тўсиқлар ҳам олиб ташланади. Икки йиллик имтиёзли давр билан беш йил муддатга бериладиган кредитларни жорий қарор кучга кирган кундан эътиборан уч йиллик имтиёзли давр билан етти йил муддатга олишлари мумкин бўлади.

Дарвоқе, Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги, 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари тилга олинган ҳужжат асосида таҳрир қилинади.

Хуллас, ушбу қарор оилавий тадбиркорлик салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Бу ижобий ўзгаришлар эса, ўз навбатида, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдирди, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишда муҳим омилдир.

/// ҲАМКОРЛИК

Шу йилнинг 12-18 апрель кунлари Япониянинг Ямагата университети делегацияси ва Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ҳамда Бухоро вилоятларида бўлиб, маҳаллий тадбиркорлар иштирокида ўқув семинарлар ўтказди.

Ўқув курсларини тугатиб, махсус сертификат асосида имтиёзли банк хизматларидан фойдаланаётган тадбиркорлар фаолияти билан беvosита корхоналарнинг ўзида танишувлар уюштирилди. Япон олимлари уларга бизнесни тўғри ташкил этиш ва ривожлантириш юзасидан ўз тавсияларини бердилар.



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ушбу таширф якунларига бағишлаб “Бизнесни ривожлантириш банки” ва Япониянинг Ямагата университети ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари ҳамда кутилаётган натижалар” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда банк ва жамғарма масъул

ЯПОН МУТАХАССИСЛАРИ ИШБИЛАРМОНЛАРИМИЗНИ БЕПУЛ ЎҚИТАДИ



ҳодимлари, Ямагата университети делегацияси аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Президент қарорига мувофиқ “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини самарали амалга ошириш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича таянч

жамғармаси томонидан худудларда ташкил этилган 14 та Кичик бизнесга кўмаклашиш марказларида олиб борилмоқда. Эндиликда ўқув жараёнига Япония тажрибасини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Шу йилнинг 7 март кунини Токио шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Япония бизнес форуми давомида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқаруви раиси Сахи Аннақличев ва Ямагата университети президенти Хедитоши Тамате имзолаган шартнома ҳам айнан шу эзгу мақсадга қаратилган эди, – деди Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маслаҳатчиси Дилафрўз Икромова. – Ўзаро келишувга мувофиқ, республикамиздаги 10 минг ишбилармон Япония тажрибаси асосида ўқитилиши ва менторлар тайёрланиши мақсад қилинган.

Қайд этиш жоизки, тадбиркорликка ўқитиш дастурининг Леан Манажмент методикасини Ямагата университети Ўзбекистонга илк бор олиб кирмоқда. Бу ҳақда профессор Тадаши Онодера журналистларга батафсил маълумот берди.

Ямагата университети 1949 йили ташкил этилган бўлиб, жаҳондаги энг яхши 600 университет катэгорияга кириди. Профессор олимлари АҚШнинг Силикон vodiysидаги нфузули компаниялар, “Леново”, “Митсуми” каби корпорацияларнинг бошқаруви аъзолари ҳисобланади.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



САМАРҚАНДГА СУВ ҚАЕРДАН КЕЛАДИ?

“Самарқанд сув таъминоти” АЖ Самарқанд шаҳар филиалида бўлиб ўтган матбуот анжуманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланишича, 550 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу шаҳарда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 99,1 фоизни ташкил этмоқда. Лекин бу ҳаммаси яхши, деган хотиржамликни бермайди. Аксинча, сувни етказиш сифатини янада яхшилаш, галдаги режаларни амалга ошириш вазифасини қўяди.

– Ўтган йилдан Абу-Даби Тараққийёт жамғармаси иштирокида “Самарқанд шаҳри инфратузилмасини модернизация қилиш” инвестицион лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бунда ер усти ва

ости йўллари, кўприклар билан бирга сув иншоотлари қуриб, сув таъминотини янада яхшилаш ҳам кўзда тутилган, – дейди “Самарқанд сув таъминоти” АЖ Самарқанд шаҳар филиали бошлиги Улуғбек Оллонов. – Шаҳарга сув асосан Зарафшон дарёсидан, еростидан кучли насослар ёрдамида олинади. Ҳозирда сув иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишлар давом этмоқда. 9 та янги сув насос станцияси ишга туширилди.

Мухаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири



/// АЖАБ САВДОЛАР

“You Tube” даги ютукларга ишонманг!

...Бир ҳафта олдин тонгда жанозага чақиринди: маҳалламизда яшайдиган 15 яшар ўсмир дунёдан ўтибди. Кечагина мактабга қатнаб юрган бахтиёр йигитчанинг бевақт ўлими ҳамманинг юрагини ларзага солди. Мисли қиёмат қўпган воқелик тафсилотини ёзиб ўтирмайман. Тасвирлашга тил ожиз. Йиғламаган одам қолмади.



Кейин маълум бўлишича, ҳалиги йигитча ижтимоий тармоқдаги “1xbet” деган қимор ўйинига аралашиб қолган. Отаси бечора хорижда минг азоб билан топиб жўнатган пулларни ўғли ана шу ўйинга тиккан экан. Аввалига беш-ўн сўм ютган ва тенгқурларига мақтанганим рост. Кейин эса...бор-будидан ажраган.

Онаизор нима қилсин, табиийки, ўғлини койган. Йигитча эса тонг қоронғусида (Рамазон ойи эди-да, онаси саҳарлик қилаётган маҳал) арқон олиб, томорқа тўридаги молхонага йўл олган...

Нималар бўляпти? Нега ҳали онги тўла шакланмаган ёшларни ижтимоий тармоқларга уя қуриб олган турли қиморбозлар алдаб-авраб тузоқларига туширишяпти?

Бу фожиали воқеани эшитиб, фарибгарларга чув тушган, ота-онаси ҳушёрликни қўлдан бой берган деб ўзимизни овулармиз, лекин яқиндагина водийдаги банклардан бирида ишловчи йигит мижозларнинг катта миқдордаги пулларини худди шундай ўйинда бой бериб, сўнг ўз жонига қасд қилгани хабари тарқалганди.

...Уч ойча бурун сартарошхонага кирсам, йигирма ёшлардаги бир йигит сартарошга мақтанаётганини ўз қулоғим билан эшитдим. У интернетдаги қимор ўйинида бир кунда беш миллион сўм ютиб олгани, агар бугун омади чопса, яна икки баравар кўпроқ пул ютиши ва эскироқ бўлса-да, бирор енгил машина олиш орзусида юрганини айтганди. Урта ёшли сартарош эса унинг бундай гапларига бош чайқаганча “Эҳтиёт бўлиш керак, ука. Уларам сен ўйлаганчалик соддамасдир-ов, бир тийинини бировга шунчаки бериб қўйишмайди. Бугун атайлаб ютқазинган. Аслида бу қип-қизил тузоқ! Қўрасан, энди сени каттароқ пулга туширишяпти”, дерди.

Синчков ва ақлли устанинг гапларини маъқулладим. Аммо ҳалиги йигит бизнинг гапларимизни энаси қотиб эшитди. Сизлар замондан орқада қолган одамсизлар, бундай ўйинларни қаерданам тушунардингизлар, дегандек, секин чиқиб кетди...

Кейинроқ эшитдим, “фалончининг ўғли интернет ўйинида ютқазиб, қарзини тўлаш учун четга ишга кетибди”, деган гапни. Сартарошдан сўрасам, бош чайқаб, бу ўша кунги мақтанчоқ йигит-да, деб қўйди...

Ижтимоий тармоқларда тарқалган турли қимор ўйинларидан биттаси ҳақида сўз юритдик холос. Аслида, бугунги кунда бундай “ўргимчак тўрлари” содда ва ишонувчан

одамларнинг қанчасини ўз домига тортиб кетаётганидан беҳабармиз. Кузатсангиз уларнинг ному атамалари минг битта.

Олти ой аввал амакимнинг ўғли “You Tube” каналида машҳур бўлган “автолотея”дан “Спарк” русумли енгил машина ютиб олди. Ўзи чет элда ишда бўлгани учун уйдагилари бундай хурсандчиликни эшитиб, элдошларига дастурхон ёзишди. Ва ўша кунни ташкилотчилар енгил машинани олиб келишиб, оломон тўпланганидан фойдаланиб, бу “кутилмаган” воқеани тасвирга олишиб, роса ўзларини реклама қилишди.

Қизиқ томони, амакимизнинг ўғли ва ўз машинасини ўша ўйинга тиккан эгаси ҳам хорижда бўлгани учун бу уловни янги соҳиби номига расмийлаштиришнинг имкони йўқ эди. “Икки ойдан сўнг ҳақиқий эгаси келади ва ўшанда ҳужжатларни расмийлаштирадилар. Ҳозирча ҳайдамай туринглар!” деганча “You Tube” қиморбозлари тиккасига сурворинди (товламачиларга кийгизилган сарполарни сўраман!).

Айтилган икки ой ўтар-ўтмасдан қиморбозларнинг миси чиқди ва улар маҳкамага тортилди. Ана энди бир ёқда ютқуқ чикқан машина машмаси бошланди. Кимлардир кўнғироқ қилиб, “Машинани олиб кетамиз, тергов-суриштирув якунлангунча ҳақиқий эгасида туриши керак экан”, дейишди. У ёқдан эса қариндошимнинг ўғли кўнғироқ қилиб, машинани ютиб олиш учун салкам қирқ миллионча пули кетгани, ҳеч кимга бериб юбормасликни тинмай тайинлагани тайинлаган. Аёли бўлса кунора келиб: “Уйимиз куйди, машина ютдик деб элга ош берганимиз нима бўлади энди? Шарманда бўлдик” дея кўз ёш тўқади.

Ишонсангиз, можароли машинани укамнинг гаражида беш ойча яширинча сақлаб ўтирдик. Шу орада ўзларини “машинанинг ҳақиқий эгалари”, деб таништирган кимсалар бир неча марта излаб келишди...

Бир замонлар худди шу каби “автолотея”лар роса “болалаб” кетувди. Айниқса, Қорақалпоғистоннинг Туртқул туманида яшовчи бир муттаҳам қанча одамларни чув туширганига ўзим гувоҳман. Соддалик курсин, “арзиманган



пул”га бус-бутун машина эгаси бўлман деган хом хаёлда алдовларга учиб, такрор ва такрор пул тикаверишган. Маҳалламиздан бирови бир йилча шу ўйинга қаттиқ ишонгани учун, қўшилиб, охирида қўл силтаган. “Ҳисоблаб кўрсам, бир йилда бундайроқ машина пулини тикибман ўша фарибгарларга. Бошимни айлантиришди-да”, деганди у кейинчалик афсусланиб.

Содда, гўл маҳалладошимга ўхшаганларга “Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади. Улар аҳмоқ эмаски, машинани сув текинга берадиган. Сизга ўхшаган минглаб одамларнинг пулларини олишган. Берадиган ютуғи –кимдир қўйган эски машина ўша тўплаган пулининг ўндан бири миқдориди ҳам эмас. Ким фойда кўради, қиморбозлар-да” десангиз барибир сизга ишонмайди.

Ушбу мақолани ёзишимга нималар туртки бўлганини юқорида ўқидингиз. Мамлакатимиз бедарвоза эмас! Ижтимоий тармоқлар ҳам маълум маънода (қисман бўлса-да) киберхавфсизлик тизимлари назоратда. Фойдаланувчилар манфаатлари, давлат хавфсизлиги, миллий айирмачилик, диний-экстремистик ва бошқа қонунга зид сайтлар дои-

мо блоклаб борилади ёки шундай сайтларга кириш қонун бўйича жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантириб турилади. Бундай бузғунчи сайтларнинг аксари четдан туриб иш олиб борса, баъзилари шундоқ ёнимизда – турли атама-ном-“ниқоб”лар (лоторея, танлов, омад-шоу) остида бемалол фаолият юритишяпти. Баъзида шундай сайтлар фаолияти тугатилгани, эгалари маҳкамага тортилгани ҳақида эшитиб қоламиз. Бу ёқда эса... ёмғирдан кейинги кўзиқориндек енгилари чиқиб келаверади. Сабаби, киберхавфсизлик тизими “ўргимчак тўри”ни мутлақо жиловлаш имконига эга эмас!

Демак, қачонлардир халқ орасида машҳур бўлган “Ўз уйингни ўзинг асра!” шioriни “Ўз фарзандингни ўзинг асра!” тарзида ўзгартиришимиз, ота-оналар фарзандлари телефонда қандай сайтларга кираётганини доимо назорат қилиб туришлари шарт!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

/// ОЙНА

500 СЎМЛИК ПУЛДАГИ ЁЗУВ

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Кеча набирамга бир ҳафтага етмайдиган, аммо қирқ уч минг турадиган махсус “каша”ни олиш учун гузаримиздаги озиқ-овқат дўконига (бугун “маркет” деб аталади) чиққан эдим, кассир йигит “Оласизми-йўқми?” дегандай, пайсаллаб қайтишимга 500 сўмлик узатди. Қайтишни оларканман, нима учундир, билмайман, ўша захоти ундаги “Шамсиддинов 23 000 берди” деган ёзувга кўзим тушди.

“Ҳа, ёзилган бўлса, ёзилибди-да” деб ўйладиму индамай чўнтагимга солиб уйга қайтдим.

Пешиндан ярим тунгача интернетда бўлиб, соат иккиларда энди маза қилиб ухлайман деб тўшагимга чўзилишимни биламан, ўша ёзув “лоп” этиб кўз ўнгимга келди. “Ким экан бу Шамсиддинов? 23000 сўмни кимга ва нима учун берди экан?” деган ўйдан безовталаниб, ярим соатча у ёқдан – бу ёққа ағанаб ётдим. Охири бўлмади, туришга мажбур бўлдим. Чироқни ёқиб, чўнтагимдан ўша 500 сўмликини қўлимга олиб, диққат билан разм солдим. Ҳа, тўғри, ўша ёзув: “Шамсиддинов 23 000 берди”. “Ким экан бу Шамсиддинов? 23 000 сўмни кимга ва нима учун берди экан?”..

Албатта, қарзини қайтарган бўлса керак. Шундай деб ўйладиму бировдан қарзим йўқлигидан қувонганимни сездим.

Бечора Шамсиддинов болаларининг ризқини қийиб 23 000 ни кимга берди экан? Агар-ку Шамсиддинов мелиса ёки прокурор, терговчи ёки қассоб, ё ҳокимликдаги бирон ташкилотнинг раҳбари, ресторани ё тўйхона эгаси, ҳеч бўлмаганда бозорда паттачи бўлса, майли, 23 000 дан ўнтасини берсаям камайиб қолмайди.

23 000 берганидан Шамсиддинов бадавлат одам эмас.

Шамсиддинов мактабда муаллим ёки фаррош, пенсионер ҳам бўлиши мумкин. Унда болаларининг ёки ўзининг ризқини берган бўлади.

Ёки қишлоқдаги ота-онаси пул юборишга қурби йўқ талаба бўлиши мумкин. Йўқ, талаба эмас. Имтиҳон 23 000 дан кўпроқ туради.

Уйлайману ўйимнинг тагига етолмайман.

Шамсиддиновдан 23 000 ни ким олиши мумкин? Мелиса битта хўштак чалганига бундан кўпроқ олади. Терговчи бу пулга қайрилиб ҳам қарамайди. Прокурор оладиган пул сумкада бўлади.

Шамсиддинов бирон бир илмий тадқиқот институти ёки лабораторияда ишласа керак, 23 000 ни бирон ҳамкасбининг туғилган кунига ёки тўйига пул йиғишганда, берган. Ёки...Ёки... Мана шу “ёки-ёки” таъсирида ухлаб қолибман, қизимнинг “Дада!” деган овозидан уйғониб кетдим. Соатга қарасам: тўққиз ярим.

Юз-қўлимни ювиб қизимнинг олдига кирдим. Набирам менга талпиниб, югуриб келиб, оёқларимни кучди.

– Дада, кеча бошқа нарсани олиб келибсиз-ку? – деди қизим.

– Айтганингни олиб келдим. 43 000 сўм турадиганидан, дедим. Ўшани олдим.

– Олиб келганингни 2 ёшдан бошлаб бериш мумкин. Ўша деб, қопқоғини очдиму кейин билиб қолдим. Энди қайтариб ҳам олишмайди. Майли, олиб қўямиз. Пул беринг, ўзим бориб олиб келаман.

– Қолган пулим 43 000 чиқмайди, қизим. Карточкам эса ишламаяпти, загрузка қилиш керак.

– Борини беринг, – деди қизим, кейин набирамга ишора қилди – мана бунингизга ёқмайди аэронароғи бор. Ҳозирча ўшандан олиб турамиз.

– Арзони қанча? – 22 минг 500, – деди қизим.

Чўнтагимдаги пулни санасам роппа-роса 23 000 чиқди. Пулни бердим у эшикка қараб йўналган қизимни шоша-пиша тўхтатдим. Кейин қўлидаги 500 сўмликлардан бирини олиб, бир четига “23 000 бердим” деб ёздим. Қизим “Нима ёздингиз?” деб ҳам сўрамади.

Ўн дақиқада қайтган қизим индамай



500 сўмлики узатди. Унда ёзув йўқ эди. Бугун Шамсиддиновнинг кимга ва нима учун 23 000 берганини уйламасам керак.

Р.С. Бу ёзганимни ҳикоя деб қабул қилмасликларингни сўрайман. Бу шунчаки кундалиқдаги ёзувлардан бири.

ТАҲРИРИЯТДАН:
Афсуски, таниқли шоиримиз тасвирлаган воқеага ҳозир ҳам деярли ҳар кун гувоҳ бўламиз. Албатта, бу камида 10-15 йил аввал тасвирланган кўнгилсиз манзара. Чунки бугун ушбу воқеада акс

этанг 500 сўмлик деярли учрамайди.

Энг қизиги, миллий валютамизнинг асосан кичикроқ сўмдагилари устига ҳар хил бўлмағур ёзувлар битилади. Ва бу кейинги пайларда одатий тусга кириб қолгани кишини хавотирга солади. Негаки, ҳар қандай мамлакатнинг миллий пул бирлиги, бу, ана шу давлатнинг ўзига хос рамзи ҳамдир.

Ҳўш, нега бу каби нохуш ҳолатларга аксарият кўпчилик қўл силтаб, деярли эътибор бермайди. Ахир пул ҳам сизу биз учун сув ва ҳаводек зарур эҳтиёж манбаи эмасми?

Ёки ҳеч кўрганмисиз, масалан юз минг ё икки юз минглик сўмларимиз устига ёзиб ташланган ҳолатларни. Камдан кам ҳолларда учратамиз. Ана энди айтинг-чи, чет эл валютаси саналган доллар \$ ё евро, рублнинг бўяб-бежалганини ким кўрган?

Қачонки, бизнинг ўзимиз мамлакат миллий валютасини топтамай қадрласак, бошқалар ҳам эъзозлайди. Аксинча, белгилаб қўйилган жавобгарликка белгисанд муносабат давом этаверади.

БИРОДАР, МЕН СИЗГА-ДА МУСТАҚИЛЛИК ТИЛАЙМАН!



Тоғай Мурод

Ўзбекистон халқ ёзувчиси



эл-юртда қайта қуриш бўлади. Ҳар банд ўз аравасини ўзи тортса – эл-юрт бой

пойида бир ушоқ бўлиб қолади. Ана шу гумбаз пойдевор минораларни асрлар оша кўтариб келди. Умр ато этиб келди.

Бадий асар-да мисоли бир минора. Асарни-да ўз пойдевори бўлади. Асар умри ана шу пойдевордан бино бўлади.

Асар пойдевори — тил. Тагин бир тил бор. Бу — оғиз тил. Гўдак кафтидай лаҳм эт. Суяксиз эт.

Ижод оламида бир тоифа қалам-кашлар бўлади. Улар асари... ҳарфлардан иборат бўлади. Тузсиз сўзлардан иборат бўлади. Бетайин сўзлардан иборат бўлади.

Бу қаламкашларни оғиз тили эса... асфальт йўлдай бўлади. Оғиз тили асфальт йўлдай узун ҳам чексиз бўлади. Оғиз тили асфальт йўлдай қоп-қора ҳам қўланса бўлади.

Биродар, тил — дил, дил — тил. Фарқи — бир ҳарф, биттагина ҳарф.

Бундай қаламкашлар умриям асфальт йўлдай эзилиб ўтади. Умри қишда музлаб ўтади. Умри ёзда қуйиб ўтади.

Бундай қаламкашларда тан-соғлиқ бўлмайди. Бет-бош бўлмайди. Ранг-рўй бўлмайди. Уст-бош бўлмайди.

Биродар, ёмон тил ё жонга уради, ё имонга уради!

Бундайлар ҳар сўзини оилаб ўйлайди. Ҳар сўзини ҳафталаб ўйлайди. Ҳар сўзини кунлаб ўйлайди. Ўйлаб-ўйлаб гап тарқатади, гап сотади, гап сасийди.

Гапи айланиб ўзига келса, у без бўлиб тура беради, у тониб тура беради. “Қанақа гап?” дейди. “Мен билмайман”, дейди. “Тилни суяги борми, гапираверади-да”, дейди.

Бундайлар ижодини жамласа — бир жилд бўлади, иғвосини жамласа-ўн жилд бўлади!

Бундайлар мақсадларига қандай эришади? Бундайлар... салом-аликка оташнафас бўлади. Муомалада “одамни жони” бўлади. Улфатчиликни қотиради. “Дўстим”, “ўртоқ”, дея ўпишиб кўришади. Дуои фотиҳани боллайди. “Жаноб”, “тақ-сир”, дея сўзамол бўлади.

Биродар, сени менлар нимадан бошланади? Бир оғиз иғводан бошланади. Бир-бирлари аро тиш қайрашлар нимадан бошланади? Бир оғиз фиск-фасоддан бошланади. Ўзаро ганимлик нимадан бошланади? Бир оғиз фитнадан бошланади.

Таёқ этдан ўтади, сўз суяқдан ўтади. Биродар, жаҳон урушлариям... фитнадан бошланиб эди!

Ҳаёт тил билан бошланади, ҳаёт тил билан адо бўлади. Шу боис, ҳаётга келажак инсонни: “тили чиқибди”, дейди. Ҳаётдан кетажак инсонни: “тилдан қолибди”, дейди.

Биродар, қаламкашни суйдирадиган — асари тили, қаламкашни куйдирадиган — оғиз тили!

“Ёш қаламкашларга тилакларим” мақоласидан қисқартириб олинди.

1993 йил

туриб эдим.

Мен Чингиз Айтматовдан дастхат олиш учун... аэропорт бориб пойлаб эдим. Уйимда ана шу зотлар дастхати бор. Мен ушбу дастхатларга қараб-қараб яшайман.

Мен хаёлимда... Орипов билан ён-ма-ён яшайман.

Узун-узун. Қават-қават. Бир имзо — бир зина, бир зина — бир имзо. Бир, икки, уч... йигирма бешта имзо. Демак, йигирма бешта зина!

Лидер ана шу нарвон зиналар — имзоларингизга оёқ тираб мансабга кўтарилади. Лидер нарвон зиналар — имзоларингизга оёқ қўйиб, шон-шухрат



Дўрмон. Ёш қаламкашлар даврасида. 1985 йил

Мен хаёлимда... Айтматов билан қўшни яшайман.

Мен ушбу дастхатларга қараб-қараб... ўзимни дадил ҳам улугвор чоғлайман!

Биродар, кимдир лидер бўлмоқчи бўлади. Аммо лидер бўлолмайди. Ожиз бўлади.

Аслида, инсон учун ер яхши. Боиси, инсон ер фарзанди.

Аммо у зот ерга қаноат қилмайди. У юксакларни кўзлайди. У фазога талпини.

У зот кўтарилиш учун нарвон излайди. Нарвон дея, ватанпарвар қиёфасида ватанфурушлик қилади, халқпарвар қиёфасида халқфурушлик қилади. Нарвон дея, мол-дунё тарқатади, жон куйдиради.

Охир-оқибат, нарвон топади. Узун-узун нарвон. Йигирма-ўттиз зинапояли нарвон.

У зот ана шу нарвондан юқори кўтарилади. У теваракка димоғи билан қарайди. У улугвор-улугвор қарайди. У буюкона-буюкона қарайди.

Гўё, у чўққи, барча — ер. Гўё, у улуг, барча — фақир. Гўё, у буюк, барча — чивин.

Биродар, ана шу нарвон... сиз йиғажак имзолар! Ана шу нарвон... сиз қўяжак имзолар!

чўққисига юқорилайди. Лидер нарвон зиналар — имзоларингизга оёқ тираб ғанимларидан ўч олади.

Сиз... зинапоя бўласиз!

Ахир, бир имзо остида бир шоир елкаси ётади. Бир имзо остида бир адиб боши ётади. Бир имзо остида бир олим кўкраги ётади.

Лидер... шоирона елкангизга оёғини қўйиб кўтарилади. Лидер... адибона бошингизга оёғини босиб юқорилайди. Лидер олимона кўкрагингизга оёғини тираб кўтарилади.

Шундай, сиз зинапоя бўласиз.

Имзолар — зиналар, зиналар — имзолар...

Матбуотларда зина-зина шоирона имзолар, зина-зина адибона имзолар! Юқори идораларда қатор-қатор шоирона имзолар, қатор-қатор адибона имзолар! Архивларда қават-қават шоирона имзолар, қават-қават адибона имзолар!

Биродар, адабиёт имзо санъати эмас, йўқ, адабиёт имзо санъати эмас!

Сиз имзо эмас, сиз — сўз йиғинг. Сиз аризага эмас, сиз — асарга имзо қўйинг.

Ана шу асарингизни нарвон қилиб — юқори кўтарилинг. Оёқларингиз остида имзонгиз эмас — асарингиз бўлсин!

Эл-юртда қачон қайта қуриш бўлади? Ҳар банд ўз аравасини ўзи тортса —

ҳам обод бўлади.

Биродар, сизнинг аравангиз — адабиёт!

Биродар, шоир имзоси кулги бўлмиш ушбу кунда сиз ўз имзонгизни авайланг.

Эл сизни бир кўриш учун ёғилиб келсин. Эл сиздан дастхат олиш учун навбатда турсин. Эл дастхатингиз билан фахрлансин.

Биродар, адиб имзоси шармисор бўлмиш ушбу кунда сиз ўз имзонгизни қадрланг.

Эл сизни кутиб олиш учун пешвоз чиқсин. Эл сиздан дастхат сўрасин. Эл дастхатингизни уйи тўрига қўйсин.

Биродар, қаламқаш имзоси оёқ ости бўлмиш ушбу кунда сиз ўз имзонгизни кўз қорачиғингизда олиб юринг.

Самарқанд миноралари олидан чўп мисол кўринади. Гўё, ушласа кафтга сиғади. Яқинроқдан эса каллакланган тут мисол кўринади. Гўё, қучоқласа қучоққа сиғади.

Олдидан баҳайбатдан-баҳайбат минора бўлиб кўринади. Кафт тугул, ақлга сиғмайди. Қучоқ тугул, хаёлга сиғмайди.

Минора учидан ер сайин кенгайиб келади. Ерга келиб йўғонлашади. Минора жойи улкан гумбаз бўлади. Инсон гумбаз

...Биродар, сиз “мустақил Ўзбекистон”, деб ҳайқирасиз. Чин, Ўзбекистон мустақил бўлди. Чин, Ўзбекистон уч йилдан буён мустақиллик гаштини суриб яшамоқда.

Энди... сиз ўзингизга бир... ойна олиб қаранг: сиз-чи, сиз ўзингиз-чи?

Биродар, мен сиз-да Ўзбекистон юртингиздай мустақил бўлсангиз дейман. Мен сизга-да мустақиллик тилайман.

Биродар, жаҳонда бир қатор халқаро ташкилотлар бор. Барчаси-да оламжаҳон ташкилот, барчаси-да нуфузли ташкилот. Жаҳон мамлакатлари бировга қўшилмайдиган халқаро ташкилоти ана шулар жумласидан. Қанақа ташкилот экани исмидан аён — бировга қўшилмайдиган давлатлар ташкилоти.

Биродар, Ўзбекистон юртингиз ана шу халқаро ташкилот аъзоси бўлди, Ўзбекистон юртингиз бировга қўшилмайдиган жаҳон давлатлари сафидан жой олди.

Энди... сиз-да ўзингизга бир... ойна олиб қаранг: сиз-чи, сиз ўзингиз-чи?

Биродар, мен сизни бировга қўшилмайдиган Ўзбекистон юртингиздан намуна олсангиз, дейман. Мен сизга мустақиллик тилайман.

Биродар, Ўзбекистон юртингиз ўз гербига эга бўлди.

Герб — давлат юзи, демакдир. Герб — эл юзи, демакдир.

Ана энди Ўзбекистон давлатингизни ўз юзи бор давлат, деса бўлади. Ана энди ўзбек элингизни ўз юзи бор эл, деса бўлади.

Энди... сиз ўзингизга-да бир... ойна олиб қаранг: ўзларида-чи, ўзларида?

Биродар, мен сизни Ўзбекистон давлатингиз йўлидан борсангиз, дейман. Мен сизни ўзбек элингиздан намуна олсангиз, дейман.

Биродар, мен сизда шахсий герб — ўз юзингиз бўлса, дейман.

Мен сизга шахсий герб — шахсий юз тилайман.

Биродар, Ўзбекистон юртингиз ўз гимнига эга бўлди.

Гимн — давлат сўзи, демакдир. Гимн — эл сўзи, демакдир.

Ана энди Ўзбекистон давлатингизни ўз сўзи бор давлат, деса бўлади. Ана энди ўзбек элингизни ўз сўзи бор эл, деса бўлади.

Биродар, сиз ўзингизга тагин бир... ойна олиб қаранг: ўзларини-чи, ўзларини?

Биродар, мен сизда-да шахсий гимн — ўз сўзингиз бўлса, дейман.

Мен сизга-да шахсий гимн — шахсий сўз тилайман.

Дастхат нима?

Дастхат — бармоқ. Дастхат — қўл. Дастхат — имзо.

Ана шу тамгалардан инсон зоти ким — билиб ола бўлади.

Шу боис, имзо — ҳужжат, имзо — дастхат.

Ҳаётда дастхатлар кўп: олим дастхати, қаҳрамон дастхати, санъаткор дастхати...

Аммо қаламқаш дастхати — дастхатлар дастхати. Қаламқаш дастхати — табаррук дастхат. Қаламқаш дастхати — тарихий дастхат.

Мен Абдулла Ориповдан дастхат олиш учун... нонга навбатда тургандай

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ
Сирожиддин САЙИД
Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ
Шухрат АСЛОНОВ
Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона —
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими —
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми — 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г — 445

Адади: 4991
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди — 19:50

Тахририятга келган қўлэмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов
дизайнер: Муҳаммадхон Юсупов

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Озод РАЖАБОВ